



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ОИЛА- ТУРМУШ ДОИРАСИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ

Утепов Дилмурод Шералиевич,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
катта ўқитувчиси, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15319665>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2025

Accepted: 20th April 2025

Published: 30th April 2025

KEYWORDS

Оила-турмуш муносабатлари, хуқуқбузарликлар, хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси, чора-тадбирлар, профилактика, сабаб ва шароитлар, бартараф этиш йўллари, муаммолар, низоли ҳолатлар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг омиллари, уларнинг сабаб ва шароитлари, шунингдек, ушбу виктимологик профилактикаси борасида юзага келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда оилада маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришнинг энг асосий йўналишлари ёритиб берилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, **736 миллион** аёл ҳаётида камида бир марта турмуш ўртоғи ёки бошқа шахс томонидан жисмоний ёки жинсий зўравонликка дучор бўлган.

Уларнинг **640 миллиондан** ортиғи (**87%**) **15 ёшдан** катта аёллар ва қизлар шериклар томонидан тажовузкор хатти-ҳаракатларга учраган.

Зўравонликнинг бошқа ҳар қандай тури мавжуд бўлган муносабатларнинг **98 фоизида** иқтисодий зўравонлик ҳам кузатилади.

Оиладаги зўравонликдан жабр кўрганларнинг **94-99 фоизи иқтисодий зўравонликнинг** турли шаклларига дуч келган. Уларнинг **60 фоизи шеригининг** босими оқибатида ишини йўқотган.

Жисмоний зўравонлик қўллайдиган эркаларнинг **95 фоизи руҳий зўравонликни** ҳам қўллайди.

Одатда, қотиллик содир этган аёллар узоқ йиллар давомида ўз жуфтлари томонидан таҳдид, калтаклаш ва ҳақоратларга дучор бўлишган.

Аёлларга нисбатан тажовузкор бўлган эркалар кўпинча болаларга нисбатан ҳам шундай муносабатда бўладилар[1].

Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси деганда, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг эр ва хотин, ота-она ва фарзанд, келин-куёв ва қайнота-қайнона, қайноға-қайнука, қайнопа-қайнсингил, бобо-буви ва набира, ака-ука ва опа-сингил, фарзандликка олган ва фарзандликка олинган, кўни-қўшни ва шунга ўхшаш қариндошлар ўртасидаги муносабатлар -аввало никоҳ, қон-қариндошлик ёки оилавий ришталар билан боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги шахсий муносабатларда юзага келадиган хуқуқбузарликлардан жабрланувчига айланиш

хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни қўллашга доир фаолият тушунилади[2].

Мамлакатимизда ҳар йили 30 мингдан ортиқ оилаларнинг ажралишига оид ажримлар қайд этилиб, бу масалалар бўйича судларга мурожаат этганларнинг 70 фоизидан ортиғи оиласида носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит, эр-хотин, қайнона-келин ўртасида келишмовчилик ва низолар мавжудлиги кузатилмоқда.

2024 йилнинг таҳлилларига кўра бугунги кунда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг, хусусан қотилликнинг 28 фоизи, қасддан баданга шикаст етказишларнинг 20 фоизи, ҳақорат қилиш ва туҳматнинг 12,5 фоизи айнан оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётганлигини кўрсатмоқда[3]. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев: «Оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда»[4], – деб таъкидлаган эди.

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доир олиб борилган тадқиқотлар доирасида оиладаги зўравонликнинг турлари бўйича олимларнинг фикрларини қуйидаги гуруҳларга ажратиб мумкин:

Биринчи гуруҳ олимлари оиладаги зўравонлик асосан жисмоний куч ишлатиш орқали содир этилишини ва уларга хос хусусиятларни тадқиқ қилишга ҳаракат қилишган. Зўравонликни бошқа шахсга нисбатан қасддан жисмоний зўрлик ишлатиб, шахснинг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказишга қаратилган жисмоний дахлсизлигини бузишда намоён бўлади.

Иккинчи гуруҳ олимлари оиладаги зўравонликлар руҳий ҳукмронлик таъсири остида содир этилишини ва уларга хос бўлган хусусиятларни ўз тадқиқотларида асослашга ҳаракат қилишган. Зўравонлик шахснинг руҳиятига турли усуллар билан таъсир кўрсатиш, руҳий зўриқишни келтириб чиқариб шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва эркинлигини чеклашга қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этишдир.

Учинчи гуруҳ олимлари оила турмуш жараёнидаги жинсий зўравонлик маълум криминоген омиллар натижасида содир этилиб, оилада оила аъзолари ва қариндош уруғларга нисбатан содир этилиши билан аянчлидир[5].

Профилактика инспекторлари оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси доирасида маъмурий ҳудудда фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида ташкил этади ва амалга оширади.

Умумий виктимологик профилактикани амалга оширишда ўз олдига, умумий тарзда оила-турмуш муносабатлари зўравонликларига туртки берувчи жамиятдаги зиддиятларни нейтраллаштириш ва бартараф этишни, хусусий ҳолда эса, оила аъзоларининг ўзаро шахсий муносабатларидаги

қарама-қаршилиқларни нейтраллаштириш ва олдини олиш, шунингдек латент қурбонларни аниқлаш ва улар билан ишлаш, виктимлашув жараёнларини тўхтатиш ва жарбланувчиларни ҳимоя қилиш ва реабилитациялаш чораларидан иборат бўлиши лозим.

Махсус виктимологик профилактикани амалга оширишда эса, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, аввало ички ишлар органлари махсус виктимологик профилактика субъектлари ҳисобланадилар. Жиноятларни виктимологик профилактика фаолиятини амалга ошириш профилактика инспекторлари хизматининг зиммасидаги масъул вазифадир.

Ҳуқуқбузарликнинг виктимологик профилактикаси бўйича профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш қуйидаги йўналишлардаги ишларни амалга ошириш лозим:

- ҳуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;
- нотинч оилаларда яшаётган шахсларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- оиладаги зўравонликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифаларини аниқлаш;
- ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда профилактика тадбирларни ишлаб чиқиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш:

биринчидан, жамиятга зид турмуш тарзи кечирувчи шахслар ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлашга;

иккинчидан, ғайриижтимоий ҳодиса ва жараёнлар, воқеа ва ҳодисалардан хабардор бўлишга;

учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга;

тўртинчидан, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, кучсизлантириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий воситаларни амалга оширишга имкон беради.

Бу эса энг аввало, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш, уларни зарарсизлантириш, ҳуқуқбузарлик содир этилиши мумкин бўлган шахсларга таъсир кўрсатиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган турли тажовузларни олдини олишда ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://nasiliu.net/pronasilie/statistika-domashnego-nasiliya-v-rossii-i-v-mire/>
2. Виктимология: Дарслик / Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. - 153-154 б.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҚПХ статистик маълумотлари /
4. <https://yuz.uz/news/oilaviy-zoravonlik-uchun-jazo-choralarini-kuchaytirish-lozim>
5. Базаров Р.А. Уголовно-парвовая характеристика насилия / Проблемы обеспечения личной безопасности граждан. - М., 1995. - С. 42-43; Константинов Н. Уголовная ответственность за истязание // Законность 2000. №4. - С. 9.
5. Гадоймиродов Б. ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ҚЎЛЛАШДАГИ МУАММОЛАР // Development of pedagogical technologies in modern sciences. - 2022. - Т. 1. - №. 6. - С. 19-22